O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY TA’LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI

SAMARQAND IQTISODIYOT VA SERVIS INSTITUTI

“IQTISODIYOT NAZARIYASI” KAFEDRASI

“INNOVATSION IQTISODIYOT SHAROITIDA XIZMATLAR SOHASI VA TARMOQLARINI RIVOJLANTIRISH MUAMMOLARI”

RESPUBLIKA ILMIY-AMALIY ANJUMAN

MATERIALLARI TO‘PLAMI

2024 YIL 15 MAY



SAMARQAND

СПИСОК ЛИТЕРАТУРЫ

1. Азоев Г.Л. Конкуренция: анализ, стратегия и практика. – М.: Центр экономики и маркетинга, 2011. 129 с.

2. Александров Н.Н., Козлов В.Д., Крючков Д.В. Конкуренция и конкурентоспособности: содержание понятий и история их становления. – Нижний Новгород: Изд-во Волго-Вятский академия государственной службы, 2004. – 176 с.

3. Английский толковый словарь /[Электронный ресурс] URL: http://engood.ru/anglijskij-tolkovyj-slovar/(дата обращения: 12.05.2016).

4. Андреев П.А., Лосев К.В. Влияние факторов внешней и внутренней среды на экономические результаты и конкурентоспособность организаций культуры // Петербургский экономический журнал. – 2016. - № 1. С. 81-86.

5. Большой экономический словарь / Под ред. А.Н. Азрилияна. — 4-е изд. доп. и перераб. - М.: Институт новой экономики, 1999. – С.271.

МУЗЕЙ ТУРИЗМИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИШ ВА ҚЎЛЛАБ ҚУВВАТЛАШ ЙЎЛЛАРИ

Юлдуз Пирназаровна Урунбаева –
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти и.ф.ф.док., доцент

Аннотация - Мақолада Аҳолининг маънавий-маърифий қадриятлари дунёсини бойитиш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашда музейларнинг аҳамияти, тарихи, назарий асосларига алоҳида аҳамияти берилган.

Калит сўзлар: музей, туризм, маданият, меърос, маърифат, турмуш даражаси, турмуш сифати, ёшлар, маънавият, садоқат, мухаббат, авлод, тарбия.

Миллий анъана ҳамда қадриятларимизни тиклаш, бой меросимизни чуқур ўрганиш, унинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини халқимиз, айниқса, ёшлар ўртасида кенг тарғиб этишга катта эътибор қаратила бошланди. Сабаби иқтисодий тараққиёт, кишилик жамияти тарихида кечган муҳим иқтисодий жараёнларнинг ҳамда содир бўлган иқтисодий ҳодисаларнинг туб моҳиятини англаб етиш, баҳолаш, уларниинг сабаб ва оқибатларига тушуниб етиш, тегишли илмий хулосалар чиқариш, энг муҳими, уларга асосланган ҳолда, келажакда содир бўлиши мумкин бўлган, аниқроғи муқаррар бўлган, иқтисодий тараққиёт хусусида илмий асосланган хулосаларни олиш имконини беради.

Ўзбекистон ҳудудида қадимдан шаклланган музейлар тизимини янада такомиллаштириш уларнинг халқнинг маънавий-ахлоқий камолотида тутган ўрнини ошириш, музей фондларида сақланиб келаётган халқимиз бой тарихини, мустақиллигимиз одимларини акс эттирувчи ноёб, нодир экспонатларни авайлаб асраш, ўрганиш, бойитиб бориш, дунёга олиб чиқиш ва тарғиб қилиш, улардан халқимиз онгида миллий ғурур ва

ифтихор, истиқлол ва Ватанга садоқат туйғуларини кучайтириш йўлида кенг фойдаланиш, музейларни замон талабларига мос юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаб, жаҳон музейшунослиги тажрибаларини қўллашга зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов (1998 йил 12 январдаПФ-1913-сон) «Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида» Фармон қабул қилган эди[46].

Фармонда Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Бадиий академияси ва Давлат матбуот қўмитаси мамлакатимиз аҳолисининг музейшунослик маданиятини ошириш, уларни меросимиз ва қадриятларимиздан хабардор қилиб бориш ҳамда мутахассислар, музей ходимларининг музейшунослик соҳасидаги илмий ишларини чоп этиш, бу соҳадаги ютуқларни тарғиб қилиши музей ходимларининг касбий малакасини ошириш мақсадида уч ойда бир марта ўзбек, инглиз ва рус тилларида чоп этиладиган илмий-амалий, маънавий-маърифий, рангли «Мозийдан садо» журналини таъсис этиш каби улуғвор режалар ҳам белгиланган эди. Албатта бу фармон ватанимизда музейлар фаолиятларини юксак даражаларга етказишда тарихий ҳужжат бўлиб қолди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони билан тасдиқланган «2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури» ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида» 2017 йил 31 майдаги ПҚ–3022-сон қарорини ижро этиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «2017-2020 йилларда давлат музейлари фаолиятини такомиллаштириш ва моддий техник базасини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисида» қарор қабул қилди[47].

Қарорда давлат музейларининг ишлаб чиқиладиган янги концепциялари, музей ашёларини ишончли сақлаш, ташриф буюрувчилар, хусусан имконияти чекланган шахслар учун қулай шарт-шароитлар яратиш, туристларга хизмат кўрсатишни ривожлантириш, архитектура-режалаштириш, интерьер, дизайн ва ландшафт ечимларига эътибор қаратган ҳолда ҳар бир музей биносининг эскиз лойиҳасини музейнинг йўналиши ва мазмун-моҳиятидан келиб чиққан ҳолда тасдиқлаш белгиланган. Миллий аньаналаримизни асраб - авайлаш ва бойитиш

[46].Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг (1998 йил 12 январдаПФ-1913-сон) «Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида» ги фармони

[47].Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «2017-2020 йилларда давлат музейлари фаолиятини такомиллаштириш ва моддий техник базасини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисида» ги қарори.

мақсадида ўтган даврда 11 та янги музей, 2 та театр, 28 та болалаар мусиқа ва саньат мактаби, 5 та олийгоҳ, жумладан, янги авлод журналистларини тайёрлаш мақсадида Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ташкил этилди. Шу ўринда муҳим бир рақамга эътибор қаратамиз. Маданият ва саньат соҳасини давлат томонидан қўллаб – қувватлаш ҳажми 2017 йилга нисбатан 5 карра ошиб, 2023 йилда ушбу йўналишлар учун 712 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди[48]. Ҳеч бир халқ ёки миллат маънавиятини унинг тарихидан, миллий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур қилиб бўлмайди. Бинобарин, дунё тамаддунига беқиёс улуш қўшган кўҳна заминимиздаги маданий ҳамда тарихий ёдгорликлар, бетакрор осори-атиқалар, неча минг йиллик топилма ва ашёлар, нодир қўлёзмалар наинки халқимиз, балки умумжаҳон меросининг ноёб намуналари ҳисобланади.

Ҳукуматимизнинг барча қарорларига туризмни ривожлантириш масалалари киритилганлиги миллий туризмда янги йўналишларни, туризмнинг янги турларини ташкил қилишни талаб қилади. Яъни, музейшунослик замонавийликнинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий муаммоларига юз тутди. Янги музей концепцияси муаллифлари томонидан эса музейда жамоа билан коммуникациянинг янги усуллари жорий этилмоқда. Замонавий ҳаётда музейлар анъанавий вазифалар ва функциялардан бироз четга чиқиб, жамият ҳаётида актив иштирок этишига кўмак берувчи янада кенг дастурларни амалга ошириш керак[49]. Республикамизда туризмни ривожлантиришда мамлакатимиздаги музейлардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, халқимизнинг ижтимоий, маърифий ҳаётида, ёш авлодни маданий етук тарбиялашда, инсоннинг билим доирасининг кенгайишини шакллантиришда музейларимиздан туризмда фойдаланишни кучайтириш янада долзарб муаммолардан бўлиб қолмоқда.

-аҳоли, энг аввало, ёш авлод учун мўлжалланган, Интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда, музейларнинг фаолиятига инновацион ахборот технологияларни кенг жорий этиш ва музей экспонатларининг рақамли шаклларини яратиш орқали музей экспонатларини кўриш имконини берадиган инфратузилмани яратиш;

-мамлакатимизнинг маданий-тарихий меросини оммалаштириш ва танитиш мақсадида музейларнинг ижтимоий маконга тўлиқ интеграциялашувини таъминлаш;

-музейларда имкониятлари чекланган шахслар, кекса ёшдаги ташриф буюрувчилар, мактабгача ёшдаги болалар ва уларга ҳамроҳлик қилаётган шахсларга хизмат кўрсатиш ва қулайлик яратишнинг инклюзив услубларидан кенг фойдаланиш;

---

[48] Президент Шавкат Мирзиёевнинг Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган мажлисидаги нутқи. “МАЪНАВИЯТ ҲАЁТИМИЗДА ЯНГИ КУЧ, ЯНГИ ҲАРАКАТГА АЙЛАНИШИ КЕРАК”Халқ сўзи 2023 йил 23 декабрь, №274(8617) 2 бет.

[49].Мухамедова М.С., Музейшунослик. Ўқув қўлланма. Тошкент, 2013.-174 б.

Мамлакатимизда сўнги йилларда халқимизнинг, айниқса ёш авлодларнинг музейларга қизиқиши ва ташриф буюришлари, бу ташрифларни ташкил қилувчи ташаббускорлик ҳам, айни вақтда, дунё халқларининг, халқаро туристларнинг, ватанимизга ташриф қилган давлат раҳбарларининг музейларимизга қизиқишлари ҳам йилдан-йилга кучайиб бормоқда. Чунки, Ўзбекистонда халқаро миқёсларда маълум ва машҳур бўлган музейлар бор.

Марказий Осиёда яшаган халқларнинг бойликлари дастлаб эрамиздан олдинги IV асрда Александр Македонский қўшинлари томонидан таланган. Улар қадимги Тўс шаҳаридаги ибодатхонадаги шоҳ Виштаспнинг қабрини очганида улар кутган бойликлар ўрнига терига ёзилган "Авесто"ни кўришади. Жаҳли чиқган Александр уни ёқиб юборишни буюради. Шу тариқа буюк "Авесто"нинг дастлабки нусхаси йўқ қилинди.

Марказий Осиёда яшаган халқларнинг бутун бойликлари, айниқса, дунёда тенги йўқ китобхоналари Чингизхон босқинида ёқиб юборилди. Араблар босқинида ҳам тенги йўқ китобхоналар йўқ қилинди. Ўрта Осиёда мустақил Сомонийлар давлатининг (IX-Хасрлар) барпо бўлиши бу борада тубдан ўзгариш қилди. Бу даврда сарой бойликларидан ташқари, катта кутубхоналар, архивлар ташкил этилди. Тарих гувоҳлигича, X асрдаги Бухоро ва Шероз амирликлари кутубхоналарида инсоният яратган кўплаб нодир китоблар бўлган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган мажлисидаги нутқи. "МАЪНАВИЯТ ҲАЁТИМИЗДА ЯНГИ КУЧ, ЯНГИ ҲАРАКАТГА АЙЛАНИШИ КЕРАК" Халқ сўзи 2023 йил 23 декабрь, №274(8617) 3 бет.

2. Соколова М. В., История туризма. Учебное пособие. Издательство «Мастерство», Саратов, 2002.-349 с.

3. Мухамедова М.С., Музейшунослик. Ўқув қўлланма. Тошкент, 2013.-174 б. Бекмуродов М.Б., Рашидова М.Х., Музейшунослик.Ўқув қўлланма. Тошкент, 2005.-110 б.: Н. В. Мягтиной; Музееведение: Учеб. пособие Владим. гос. ун-т. – Владимир: Изд-во ВлГУ, 2010. – 114 с.

4. Юренева, Т. Ю. Музееведение : Учеб. для высш. шк.– 4-е изд., испр. и доп.– М.: Академ. проект, 2007. – 560 с. Сотникова, С. И. Музеология: Пособие для вузов, – М.: Дрофа, 2004. – 192 с.

5. Мухаммедов М. Урунбаева Ю.П., ва бошқалар «Иқтисодиёт назарияси» дарслик. Т.: "FAN VA TEXNOLOGIYA", 2918, 272 .